



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G ' I

2021 yil "21" 10

№ 253

Toshkent sh.

**Бир йўла бериладиган қўшимча тўловни амалга ошириш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4652-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг 2020 йил 30 апрелдаги 20-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг 31-бандига асосан **буюраман:**


1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2021 йил 14 октябрдаги 17-8/6927-сонли тиббиёт ходимларига коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш ва парваришлаш жараёнида, яъни иш фаолияти давомида коронавирус инфекциясини юқтириб олганлигини тасдиқловчи хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юқтириб олган ва вафот этган Республика шошилинич тез ёрдам илмий маркази Андижон филиали, реанимация бўлими шифокори вазифасида ишлаган, мархум Абдугаппаров Абдуназарнинг оиласига 250,0 млн.сўм миқдоридан бир йўла бериладиган бир марталик тўлов тўлаб берилиши чоралари кўрилсин.

3. Республика шошинч тез ёрдам илмий маркази Андижон филиали марҳум Абдугаппаров Абдуназарнинг оила аъзоларига бир йўла бериладиган бир марталик тўловлар ўрнатилган тартибда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари А.Азизов зиммасига юклатилсин.

Вазир

A handwritten signature in blue ink, consisting of a large initial 'A' followed by several loops and a long horizontal stroke extending to the right.

А.Хаджибаев